

Халифанинг шаҳид бўлиши



18:36 / 29.08.2024 2541

Умар розияллоху анху баъзи Ислом душманлари, яҳудий ва форслар томонидан ҳиқду ҳасад туфайли уюштирилган ишнинг қурбони бўлдилар, чунки у киши уларнинг мулки зое бўлишига сабаб бўлган эдилар.

Ҳазрати Умар розияллоху анху бомдод намозига азон айтишлари билан масжид ичига беркиниб, пойлаб турган форслик қул – мажусий Абу Луълуъа у кишига заҳарланган ҳанжар санчди. Буни кўрган мусулмонлардан бир киши унинг устига чопонини ташлади. Ажам кофир қўлга тушишини билиб, ўзини сўйиб юборди. Ҳазрати Умар шаҳид бўлдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ўлимларидан олдин саҳобаларнинг жаннат башорати берилган зотлардан олти нафарини халифа сайлаш учун ихтиёр қилдилар. Улар Усмун ибн Аффон, Алий ибн Абу Толиб, Талха

ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Абдурраҳмон ибн Авф ва Саъд ибн Абу Ваққослардан иборат эди. У киши ўша олти кишига ўз ораларидан бирларини халифаликка ихтиёр қилишни топшириб, васият қилдилар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳижрий 23 йил 26 зулҳижжа, милодий 644 йил 2 ноябрь куни шаҳид бўлдилар. У кишининг халифаликлари ўн ярим йил давом этди.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ижтимоий-маданий соҳада қилган буюк ишлари

1. Халифа Умар розияллоҳу анҳу «мўминлар амири» деган номга мушарраф бўлган биринчи шахсдирлар.
2. У киши девонни ташкил қилган биринчи шахсдирлар. Аскар девони, Ато девони, Вазирлар девони ва бошқалар.
3. Шунингдек, у киши почта хизматини йўлга қўйдилар.
4. Пул зарб этишни йўлга қўйдилар.
5. Мусулмонлар тақвими – йил ҳисобини йўлга қўйдилар. Бунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларини асос қилиб олдилар ва ҳисобни шу йилдан бошладилар.
6. Ҳарами шариф масжидини кенгайтирдилар ва бошқа кўплаб буюк ишларни амалга оширдилар.

Умар розияллоҳу анҳу тарих то қиёматгача фахр билан эслаб юрадиган буюк сийрат қолдирдилар.

«Ислом тарихи» китоби биринчи жуз

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.